



MILLIY TIKLANISH

52 (424) ● 2016 йил 23 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Буюк аждодларга баркамол авлод муносиб!

Фракция ҳаёти

Давлат бюджети ижроси

партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи партиянинг дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди ва атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестициялари ҳажмини изчил ошириб бориш ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида юртимиз иқтисодиётининг юқори барқарор суръатларда ўсиши ва макроиқтисодий мувозанат таъминланмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг 9 ойи давомида ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,4, қурилиш ишлари 15, чакана савдо айланмаси 14,2, жами хизматлар ҳажми 12,4 фоиз ўсишига эришилди.

> 3-бет.

Юзма-юз



Илм-маърифат ривожини — миллий ғурур асоси

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 21 ноябрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди. ЎЗМТДП Марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, маҳалла фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган учрашув сайловчилар фаолигида ўтди.

Учрашувни партия фаоли, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқитувчиси Муруватхон Акбарова очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Тошкент давлат юридик университети профессори Феруза Мухитдинова сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди Дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Истиқлол йилларида Тошкент шаҳрида асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди, — деди Сарвар Отамуратов. — Замоनावий мавзела, кўркам иншоотлар, йўл ва кўприклар, кўп қаватли ҳамда яқка тартибдаги уй-жойлар

бунёд этилди ва бу ишлар изчил давом этмоқда. Бу сингари эзгу ишлар юртимиз чиройига чирой кўшиши билан бирга, фуқароларимизда бугунги ҳаётдан розилик, эртанги кунга мустақам ишончни янада кучайтирмоқда.

Пойтахтимиз бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий маркази бўлиб, айниқса, истиқлол йилларида Тошкент шаҳри кудратли sanoat ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисга айланди.

Жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда, "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, Ватанимиз юраги, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. 2007 йилнинг 2 ноябрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинган. 2007 йил январда Ислам ҳамкорлик ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилгани азим шаҳримизнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва мавқеидан далолатдир.

> 2-бет.



Рамиз УСМОНОВ,

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти, Ўзбекистон халқ артисти:

— Тинчлик ва осойишталик барқарор юрдагина санъат гуллаб-яшнайдми. Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган танлов ва фестиваллар, ижодий лойиҳалар ёшларнинг санъатга бўлган меҳрини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд бўлишда муҳим омил бўлмоқда.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайловолди ташвиқоти

жараёнида ишончли вакиллар фаол иштирок этмоқда

Айни кунларда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ сиёсий партиялардан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам жойларда номзоднинг сайловолди Дастури билан аҳолини яқиндан таништириш мақсадида сайловчилар билан учрашувлар ташкил этмоқда. Ана шундай ташвиқот тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудида қизғин ва фаол давом этмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг ишончли вакили Садбархон Мамитовнинг Андижон шаҳри, Избоскан, Пахтабод, Андижон ва Бўз туманларидаги сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Учрашувларда сайловчилар номзоднинг таржимаи ҳоли ва Дастури билан батафсил таништирилди.

> 2-бет.

Муддатидан олдин овоз бериш тартиби

— Сайлов куни турли сабабларга кўра ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

Лазиз ИСМОИЛОВ,
Кўкон шаҳри

— Амалдаги қонунчилигимизда сайлов ҳуқуқининг энг муҳим тамойилларидан бири — умумий сайлов ҳуқуқи, яъни барча сайловчилар унда иштирок этиш ҳуқуқи таъминланган. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 31-моддасида сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланиб, бир кун қолганида тугалланади. Масалан, бу галги Президент сайловида муддатидан олдин овоз бериш 24 ноябрь куни бошланади ва 2 декабрь куни тугайди. Сайловчилар ана шу тўққиз кун ичида ҳар куни соат 9:00дан 18:00гача муддатидан олдин овоз бериш имконига эга бўлади. Бу ҳақда сайловчилар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари тегишли тартибда хабардор қилинади.

Муддатидан олдин овоз бериш учун сайловчи сайлов куни ўз яшаш жойида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида мурожаат қилгандан сўнг участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси гувоҳлигида сайловчилар рўйхатида имзо

қўяди. Бинобарин, сайлов варақаси сайловчиларнинг овоз бериш ҳуқуқини рўёбга чиқариш воситаси бўлиб, Марказий сайлов комиссияси тегишли тартибда тасдиқлаган, номзодлар тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган, сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқини таъминловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Участка сайлов комиссиясида муддатидан олдин овоз берган сайловчиларнинг ҳисоби юритилади ва уларнинг сайловчилар рўйхатидаги фамилияси рўпарасига муддатидан илгари овоз берганлиги ҳақида белги қўйилади. Унинг тўғри ҳисобга олиниши ва сақланиши учун масъулият участка сайлов комиссиясининг қарори билан комиссия аъзоларидан бирига юклатилади. Участка сайлов комиссияси сайлов варақаларини яширин овоз бериш тамойилига риоя қилган ҳолда конвертларда қабул қилиб, овоз бериш кунига тегишли тартибда сақлайди.

Бир сўз билан айтганда, миллий сайлов қонунчилигимизда фуқароларнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам сайловда ўз овозини бера олиш имконияти тўлиқ мустақамланган.

Акмал РАХМОНОВ,
юридик фанлар номзоди,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Фракция ҳаёти

Давлат бюджети ижроси

партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилинди

Давомий. Бошланиши 1-бетда.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профит билан ижро этилган.

Юртимизда тараққиётнинг "Ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич ривожлантириш, диверсификациялаш, жаҳон майдонида маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган ислохотлар юксак самара бермоқда, — деди Ҳазратхон Убайдуллаев. — Иқтисодиётини диверсификация қилиш ва тарихий ўзгариш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илғор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ушбу натижалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадларига уйғун ва ҳамоҳангдир. Яъни, партияимиз импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, республикамиз минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш тарафдори.

Фракция аъзолари ҳукумат тақдим этган ҳисоботни маъқуллаб, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат бош молиявий ҳужжати ижроси билан боғлиқ амалий тақлифларни билдирдилар. Жумладан, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга мутасадди вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга қатъий риоя этиш, Бюджет кодекси талаблари бажарилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш ҳамда уларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш, минтақаларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш борасида тақлиф-мулоҳазалар илгари сурилди.

Тадбир

Фойдали ва хавфсиз озиқ-овқат инсон саломатлиги учун юзат муҳимдир. Бугунги глобаллашув даврида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хавфсиз озиқ-овқат — саломатлик гарови

Мамлакатимизда мазкур йўналишда давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар ўртасида йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Чунончи, соғлиқни сақлаш ва кишлоқ хўжалиги секторлари, транспорт корхоналари, озиқ-овқат саноати ва умумий овқатланиш соҳасининг яқин ҳамкорлиги самарасида барча озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги таъминланмоқда.

яси бу борада қатор амалий ишларнинг жорий этилишида ҳамқадим бўлаётди. Жумладан, ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловли Дастурида белгиланган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклашга қаратилган мақсад-вазифалар аҳолининг экологик тоза маҳсулот билан таъминланишига хизмат қилади.

Ақбар ҲАКИМОВ, Ёш тадбиркор:

— Мамлакатимизда соғлом овқатланиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жараёнида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати изчил ривожланиб, ушбу тармоқ корхоналари ўн баробар кўпайди. Аграр саноатни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар самарасида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда.

Сайлов — 2016

Истиқомнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил чора-тадбирлар юксак самаралар бераётди. Мамлакатимизда халқаро меъёрлар ва демократик тамойилларга тўла жавоб берадиган миллий сайлов тизими яратилган.

Сайлов ва хотин-қизлар ҳуқуқи

Нигора НУРИЛЛАЕВА, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси: — Юртимизда демократик тамойиллар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.



сида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти, ҳар бир сайловчининг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг овози давлатимиз келажаги ва халқимизнинг эртанги фаровон турмуши учун муҳим аҳамият касб этгани билан боғлиқ мавзулар бўйича тушунчалар берилди.

Вилор ШОДИЕВА, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси:

— Мамлакатимизда демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини кафолатлайдиган миллий сайлов тизими яратилган.



си, маълумоти, тили, машғулотивини тури ва хусусиятидан қатъи назар фуқаролар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Партия ташкилотимиз тизимида фаолият юритувчи ходимлар ва хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнидан хабардор этиш мақсадида қатор тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда 21 миллион 435 минг сайловчи бўлиб, уларнинг 10 миллион 825 мингдан зиёди хотин-қизлардир. Шу боис ҳам фуқаролар, айнаник, хотин-қизларнинг ўз конституциявий ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиши, хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун барча шароит яратилмоқда.

лоятимизда ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Сайловчилар учун қулай биноларда ташкил этилган сайлов участкалари меъёри, замонавий алоқа, ёритиш, иситиш воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Сайловчиларнинг тегишли қонунлар, йўриқнома, қўлланма ва зарур адабиётлар, номзодлар ҳақидаги маълумотлар, кундалик матбуот нашрлари билан танишиб бориши, сайлов кунини ўз конституцион ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланиши учун барча шароит яратилган.



Усмон АБДУРАСУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

